

## «Фарғонадонмахсулотлари» АЖ тафтиш комиссиясининг

### ХУЛОСАСИ

«Фарғонадонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг жорий 2022 йиллик якуни бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз:

2022 йилнинг 31 декабр ҳолатида асосий воситаларнинг баланс қиймати 49 036 781,0 минг сўмни, эскириш қиймати 25 410 461,0 минг сўмни, қолдик қиймати эса 23 626 320,0 минг сўмни ташкил қилган.

Капитал қўйилмалар йил бошида 7 415 662,0 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2022 йилнинг 31 декабрга келиб эса маъмурий бино асосий воситага олиниши орқали қолдик қолмаган.

Резерв капитали йил бошида 19 395 863,0 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2022 йилнинг 31 декабрга келиб эса 19 350 914,0 минг сўмни ташкил қилган.

2022 йилнинг 31 декабр ҳолатига жамиятнинг жами баланси 298 383 807,0 минг сўмни ташкил қилган бўлиб, узоқ муддатли активлар 28 871 604,0 минг сўмни, жорий активлар 269 512 203,0 минг сўмни, ўз маблағлари манбаи 122 621 276,0 минг сўмни, мажбуриятлари 175 762 531,0 минг сўмни ташкил қилган. Жамиятнинг 2022 йил 31 декабр ҳолатидаги дебиторлик қарзлари 65 681 503,0 минг сўмни ташкил қилган бўлиб, Дебитор қарздорлик йил бошига нисбатан 40 917 447,0 минг сўмга ортган, жамият томонидан 2023 йил буғдой ҳосили учун фермер хўжаликлари ва дон кластерларига уруғлик буғдой тарқатилган 2022 йил 31 декабр ҳолатига тарқатилган уруғлик буғдой суммасидан 19 216 075,3 минг сўми ундирилмаган ундирилмаган дебитор қарздорликни асосий қисми дон кластерлари зиммасида эканлиги аниқланди, жумладан “Ан-Нур дон неъматлари” 4 464 672,7 минг сўм, “Фарғона дон кластер” 8 031 718,9 минг сўм, буғдой етиштирувчи фермер хўжаликларидан 2 049 787,1 минг сўм қарздорлик мавжуд ушбу қарздорликни суриштириб аниқлаб ундириш ҳақида раҳбариятга тушунтириш берилди.

2022 йил 31 декабрдаги кредитор қарздорликлари 167 046 054,0 минг сўмни ташкил қилган.

Кредитор қарздорликларни таҳлил қиладиган бўлсак, бюджет олдидаги қарздорликлар эса 1 998 401,0 минг сўмни, жамғармадан қарздорлик 108 705 006,0 минг сўмни, банк кредитларидан қарздорлик 24 266 225,0 минг сўмни ташкил қилади. Кредитор қарздорлик йил бошига нисбатан 85 300 592,0 минг сўмга ортган

2021 йиллик молиявий фаолият давомида ялпи сотилган маҳсулот ҳажми 200 323 188,0 минг сўмни, сотилган маҳсулотнинг таннархи 169 327 460,0 минг сўмни, маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда 30 995 728,0 минг сўмни ташкил этган.

2022 йиллик молиявий фаолият давомида ялпи сотилган маҳсулот ҳажми 296 622 007,0 минг сўмни, сотилган маҳсулотнинг таннархи 264 940 468,0 минг сўмни, маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда 31 641 539,0 минг сўмни ташкил этган. 2022 йил молиявий ҳисобот даврида ўтган йил шу даврга нисбатан таннарх 4,8 фоизга ортган.

Давр харажатлари 32 937 735,0 минг сўмни ташкил этган бўлиб, шундан сотиш харажатлари 93 610,0 минг сўмни, маъмурий харажатлар 3 992 444,0 минг сўмни, бошқа операцион харажатлар 28 851 681,0 минг сўмни ташкил қилган. Давр харажатлари бизнес режага нисбатан 87 фоизга ёки 15 308 735,0 минг сўмга ортганлиги аниқланиб бошқарувга ортиқча харажатларга йул қўймаслик, келгуси йилда хар ойда харажатлар ёйилмаси бўйича анализ қилиш ҳақида тушунтириш берилди.

Жамиятда 2022 йил йиллик молиявий фаолият даврида 252 880,0 минг сўмлик хайрия мақсадларига маблағ сарфланган хайрияга маблағ ажратишда тегишли тартибда ҳужжатлаштириш ишлари амалга оширилган.

Жамият қошида ташкил этилган ишчилар ошхонаси учун жами 122 891,0 минг сўм харажат қилинган, жумладан: 108 344,3 минг сўм иш ҳақи, оқава сувларга 6 513,8 минг сўм, электр энергияга 7 892,2 минг сўм.

Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 20 941 401,0 минг сўм. Молиявий фаолиятнинг даромадлари 1 072 420,0 минг сўмни, харажатлари 1 872 612,0 минг сўмни, солиқ тўлагунга қадар фойдаси 18 845 013,0 минг сўмни ташкил қилган. Фойда солиғи 3 119 901,0 минг сўмни ташкил қилади. Жамиятнинг 2022 йиллик соф фойдаси 15 725 112,0 минг сўмни ташкил қилган.

Жамият томонидан 2022 йил йиллик молиявий фаолият давомида аффилиланган шахслар билан йирик битимлар тузилмаганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 404-сонли Қонуни талабларидан келиб чиқиб бухгалтерия ҳисоби юритилган.

Сафар харажатлари бўйича текширишда сафар хужжатларини тегишли тартибда хужжатлаштиришга алоҳида эътибор бериш тавсия этилди.

2022 йил йиллик молиявий фаолият даврида жамият транспорт воситалари “Автотеххизмат” МЧЖ да жорий таъмирлашга олиб борилган лекин таъмирлаш хужжатлари белгиланган тартибда амалга оширилмаган, яъни таъмирлаш ишларини бошлашдан олдин гараж мудирини, механигини тарафидан тегишли тартибда “Дефект” акти тузилиши, ва бош инженер томонидан тасдиқланиб раҳбарга киритилиши, бошқарув аъзолари танишиб жорий таъмирлашга рухсат беришлари, “Автотеххизмат” МЧЖ билан шартнома тузилиши, таъмир ишлари тугагандан кейин алмаштирилган эҳтиёт қисмлар эскиси иккиламчи омбор мудирига топширилиши керак эди, бу ҳақда 2021 йил ҳисоботида ҳам кўрсатиб ўтилган эди лекин кўрсатмалар ижро этилмаган. Жамият томонидан жамият 30 фоиз иштирокида ташкил этилган “Фарғонадон кластер” МЧЖ билан 2022 йил 5 январ куни №2х-1/22 сонли, 2022 йил 5 январ куни №2х-5/22 сонли ижара шартномалари тузилган шартномаларнинг 5.3 бўлимида барча коммунал тўловлар “Ижарачи” томонидан тўланиши кўрсатилган, назорат тартибида электр, сув, газ харажатлари ўрганилганда “Ижарачи” томонидан фойдаланилган электр, сув, газ учун ҳеч қандай ўлчов асбоблари ўрнатилмаганлиги барча харажатлар жамият томонидан тўланаётганлиги маълум бўлди.

**«Фарғонадонмахсулотлари» АЖ**

тафтиш комиссияси раиси:



**Б.З.Собиров**

**17.02.2023 й**